

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларининг асоси

Барчамизга маълумки, кўпчилик ривожланган демократик мамлакатларда давлат қурилишининг асоси ва хуқуқий ислоҳотларнинг таянчи сифатида конституция амал қиласди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганини мамлакатимизда хуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бугун қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Конституциямиз – демократик қадриятлар сари ривожланиб бораётган давлатимизнинг мустаҳкам хуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда.

Конституциямизда белгиланган давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташки сиёсатнинг асосий принциплари барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинларини олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Конституциямиз юртимизда хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида “Халқимиз сиёсий-хуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”, деб таъкидлаб ўтган эди.

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон хуқуқларини таъминлаш масаласида суд ҳокимиятининг тутган ўрни бекиёсdir. Шу боис судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу ислоҳотларнинг амалга оширилишига сўнгги уч йил мобайнида суд-хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда қонун устуворлигини

таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид норматив-хуқуқий хужжатлар, қонунлар, фармон ва қарорлар хуқуқий замин яратиб берди.

Бошқача айтганда, суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди ва бу йўналишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Энг аввало, суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судлар фаолияти самарадорлигига эришиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиной, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд химоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий норманинг амалда ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-хуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгashi ташкил этилди ва бу билан судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олди олинди, очик, ошкора ва муқобил танлов тизими яратилди.

Эндиликда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг касбий нуфузини оширишга қартилгандир.

Бундан ташқари жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа қонун хужжатларига инсон хуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини ўз вақтида ва адолатли ўтказиш, жазонинг адолатлилиги ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инобатта олган

ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослиигини қайта қўриб чиқишининг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралиқ инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта қўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустахкамланди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овора бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидағи қамоқ тарзидағи жазо тури бекор қилиниб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари жазо тури киритилди.

Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидағи эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

«Хабеас корпус» институтини жорий этиш ва тергов олиб борища суд назоратини кучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечикириши бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини ошириш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайташ институти бекор қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилиши ҳақида ўз чиқишлиарида кўп маротаба қайд этди.

Шу нуктаи назардан ушбу йўналишда далилларни сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Қонунга хилоф усувлар орқали олинган далиллардан, шу жумладан номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш таъқиқланди. Далилларни

тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усууллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан зудлик билан мажбурий текширилиши лозим бўлган тартиб белгиланди.

Судларда жиноят ишлари бўйича очик муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таъқиқланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш хукуқлари, шунингдек ҳимоячиларни далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган хукуқлари кенгайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги, хусусан, суд-хукуқ тизимидағи кенг қўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам хуқуқий асоси вазифасини ўтамоқда. Шу боис, Баш қомусимизнинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш ҳамиша давом этаверади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатларининг, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислоҳотларнинг, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг хуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қиласканади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-хукуқ ислоҳотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдан иборат. Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли хуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон хукуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг вазифаси – фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳамда мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти хужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив хужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборатdir. Бу ислоҳотларнинг марказида аввало инсон туришини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон хукуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини, албатта, барчамиз яхши тушунамиз. Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир. Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб

юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб, турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди

Суд - одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш хукуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи навбатда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали, халол ва пок вижданли суд ходимлари корпусини шакллантириш, судларда ишларни кўриш сифатини янада ошириш билан боғлиқдир.

2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони бу борада амалга оширилаётган тизимли ислоҳолотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Фармонда одил судловни амалга оширишдаги муаммолар, одил судловни таъминлашнинг институционал асослари, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ устувор йўналишлар кўрсатиб берилди, чунончи, холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида суд тизимидағи ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир.

Бундан кейин вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларга бир нафар суд раиси раҳбарлик қиласи. Суд раиси ўз ўринбосарларига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ўринбосарлар фуқаролик ишлари, жиноят ишлари ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳам ҳисобланади. Бу эса, жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қиласи. Бундан ташқари, суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тутатилади. Натижада, суд ишларининг қайта-қайта бир нечта инстанцияларда назорат тартибида кўрилиши, фуқароларнинг овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишига барҳам берилади. Қолаверса коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишига чек қўйилади, шунингдек, прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилган

ҳолда, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этишнинг хуқуқий механизмлари яратилади. Бундай қоидаларнинг киритилиши албатта суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қиласди.

Яна бир қувончли ҳолдат шуки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилади. Бу ўз навбатида суд органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Тан олиш керакки, кейинги йилларда амалга оширилаётган шу каби инсонпарвар ислоҳотлар натижасида одамларнинг суд тизимига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Буни, судларга бўлган мурожаатларнинг кўпайиб бораётганида ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган оқлов хукмлари, фуқаролар, тадбиркорлар фойдасига қабул қилинган суд қарорлари сонининг ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Натижада, халқ судларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-хукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони, деб қарамоқда.

**Судьялар олий кенгashi
хузуридаги Судьялар олий
мактаби хуқуқий маслаҳатчisi
Авазов Сафар Нормаматович.**